



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 180 (12.241)

Баҳоси эркин нарҳда

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН
ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ**

Азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Бугун биз мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий воқеа – Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган куннинг йиғирма бир йиллигини нишонламоқдамиз.

Ана шу буюк сана билан, халқимиз асрлар давомида интилиб, орзикиб кутган, ҳақиқатан ҳам, барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам бўлмиш Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни билан сиз азиятларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир.

Мен ишонаман – асрлар, замонлар ўтар. Аммо барчамизга ўзлгимизни англаш, инсоний шаънимизни, қадр-қимматимизни, ўз юртимизга эгалик қилиш ҳуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтариб берган бу улуғ айём Ватанимиз тарихида олтин саҳифа бўлиб, абадий сақланиб қолажак.

Қадрли юртдошларим!

Ўз-ўзидан аёнки, кишилиқ тарихида, дунё ҳаритасида давлатлар шаклланишида йиғирма бир йил жуда қисқа муддатдир. Лекин Ўзбекистонимиз шу давр мобайнида, ҳеч шубҳасиз, юз йилларга тенг бўлган масофани босиб ўтди.

Биз эски мустабид тузум, унинг асо-ратлари ва мафкурасидан бутунлай воз кечи-б, тобелик ва қарамлик даврига бар-ҳам бериб, кечаги ночор, ўзини ўзи бо-қишга кучи етмаган ўлкадан бугун ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган, ўз са-рҳадлари, халқининг тинч ва осуда ҳаёти-ни қиёялашга қодир бўлган, халқаро ҳам-жамиятда муносиб ўрин эгаллаган, тез ва барқарор суруятлар билан ўсиб бораёт-ган мустақил ва суверен давлатлар като-рига кўтарилганимизни яққол намоён эт-моқдамиз.

Ўтган давр мобайнида биз олдимизга қўйган буюк вазифа – замонавий ривож-ланган демократик давлатлар сафига ки-риш, фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётиимизни, иқтисодиётимизни модерни-зация ва диверсификация қилиш ҳисоби-дан қўлга киритган ютуқ ва юксак марра-ларимизнинг халқаро майдонда эътироф этилаётганини, Ватанимиз салоҳияти, моддий, иқтисодий ва интеллектуал куч-қудратимиз тобора ошиб, шаҳар ва қиш-лоқларимизнинг қиёфаси ва чехраси ўзга-риб, очилиб бораётганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди.

Кўпчилики ҳайратда қолдираётган бун-дай ҳақиқатни тасдиқлаб берадиган кўпги-на ҳикоялар билан тўлиқ таъминлашга қийин эмас.

Шулар қаторида истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 ба-робар, аҳолисининг реал даромадлари жон бошига 7 баробар, ўртача пенсия миқ-дори қарийб 9 баробар, ойлик иш ҳақи эса 18 баробар ошгани, одамларимизнинг умр кўриш даражаси ўртача 7 йилга узай-гани, ёқилги ва ғалла мустақиллигига, ўзи-мизни ўзимиз гўшт, сут ва бошқа истеъ-мол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз буларнинг яққол тасдиғидир.

Буларнинг барчаси аввало мустақиллик-ка эришган биринчи кунлардан бошлаб "Ислохот – ислохот учун эмас, аввало ин-сон учун" деган принципти ҳаётга татбиқ этганимизнинг амалий самараси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда уй-жой ҳажмининг кўрсаткичи қарийб 2 ба-

робар ошгани, оилаларнинг 98,5 фоизи ўзининг шахсий уй-жойи ёки квартираси-га, қишлоқларда яшаётган оилаларнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга бўлганини айтиш шу мақсадда амалга оширган миллий дастурларимизнинг на-тижаси деб қабул қиламиз.

Бундан йиғирма бир йил олдин ҳар ўнта оиладан бор-йўғи биттаси шахсий маши-нага эга бўлган бўлса, бугунги кунда ҳар учта оиланинг биттасида автомобиль мав-жуд экани, ҳар уч нафар юртдошимиздан бири интернет тармоғидан фойдаланиб келаётгани халқимизнинг фаровонлиги то-бора ортиб бораётгани, унинг эмин-эр-кин яшаётганини намоён этади.

Шу борада яна бир мисол келтириш ўринлидир.

Бугун барча давлатларни катта ташвиш-га солаётган, ҳали-бери давом этаётган, жаҳон миқёсида энг долзарб, энг оғир ма-сала бўлиб турган молиявий-иқтисодий инқирозни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбеки-стон охириги етти йил давомида дунёдаги санокли давлатлар қаторида ўртача 8-8,5 фоиз иқтисодий ўсишга эришаётгани мам-лакатимиз салоҳияти барқарор ривожла-ниб бораётганининг яққол далилидир.

Барчамиз Ватанимизни раванқ топти-риш йўлида эришган марраларимизни да-стлабки қадамлар сифатида қабул қилиб, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз даркор.

Бугун шиддат билан тез ўзгараётган гло-баллашув даврининг кескин талабларига, дунё бозорида тобора кучайиб бораётган шафқатсиз рақобат курашига бардош бера оладиган, фақат қатъиятлик билан олдинга интилаётган, ўзининг узоқни кўзлаган тараққиёт стратегиясига эга бўлган давлатга ривожланишини катта йўлида ўз эзгу мақсадларига эришмоғи мумкин.

Замоннинг ўзи ўртага қўётган айтиш шундай ўткир талабларни инobatга олган ҳолда, бизнинг олдимизда турган энг ус-тувор вазифамиз – бошлаган ишларимиз-ни изчил давом эттириш, мамлакатимиз-ни янгилаш ва модернизация қилиш, де-мократик ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизнинг барча жабҳаларини эр-кинлаштириш жараёнларини янги босқич-га кўтариш, ҳаётиимизнинг даражаси ва си-фатини янада юксалтиришдир.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш тинч-лик ва оқсоқиллик, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатлар-ро тотувлик ва ҳамжиҳатликни кўз қора-чигидек асраб-авайлаш ҳамиша эътибо-римиз марказида туриши лозимлигини асло унутмаслигимиз керак.

Бугунги нотинч ва мураккаб замон, яқин ва узоқ ён-атрофимизда, минтақамизда кўпдан буён давом этаётган низо ва қара-ма-каршилиқ, тобора кескинлашиб бора-ётган вазият бизнинг доимо оғох, доимо хушёр, сергак ва сезгир бўлиб яшаши-мизни, хавфсизлигимизга таҳдид солаёт-ган ҳар қандай бало-қазонинг олдини оли-шимизни талаб этмоқда.

Мустақил тараққиёт йўлида амалга оширган, онгу шууримизни, ҳаётиимизни тубдан ўзгартирган ишларимизга баҳо бе-рар эканмиз, биз эришган ютуқ ва мар-раларни қўлга киритиш осон бўлмаганини таъкидлашимиз ўринлидир.

Бу йўлда эл-юртимиз қандай мураккаб ва таҳликали синов, тўсик ва говларни ен-гишда турли ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, ўз эътиқодидан

қайтмасдан келгани, аввало ўзининг меҳ-натсеварлиги, мардлиги ва матонати ҳисобидан бугунги ёруғ кунларга етиб кел-ганимизни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Ҳозирги кунларда ҳам бизнинг танлаган йўлимизга шубҳа туғдириш, кечаги давр-ни кўрмаган, тажрибаси етарли бўлмаган ёшларни йўлдан оздиришга, истиқлоли-мизнинг маъно-мазмунини сохталашти-ришга, бизни яна эски қолип ва тобелик-ка қайтаришга уринадиган кучлар ва ҳара-катлар кам эмас.

Лекин бу кучлар бир ҳақиқатни англаб олиши керак. Бугун биз кечаги – 90-йил-лардаги ўта содда, ҳеч қандай сиёсий таж-рибага эга бўлмаган одамлар эмасмиз.

Биз бугун мустақиллик йилларида катта қийинчилик ва синовларда тобланган, ду-нёқараш, сиёсий ва фуқаролик савияси, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётган, Ўзбе-кона айтганда, биз бугун оқни қорадан ажрата оладиган халқмиз.

Бизнинг халқимиз, аввало, йиғирма бир йил давомида вояга етган, мустақил фик-рлашга, юксалиб бораётган онгу тафак-курга эга бўлган навқирон авлодимиз пор-лоқ келажагимизга катта ишонч билан қарайди ва ўз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон – мен тақдор айтаман – ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқа-дам бўлиб, узоқ ва яқиндаги хорижий мам-лакатлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мус-таҳкамлаш, чет эл инвестицияларини ва энг замонавий технологияларни олиб ке-лиш мақсадида юртимизда қулай иқлим ва имтиёзли шароитларни янада кенгай-тириш, бизга хайрихоҳ бўлган давлатлар билан шериклик муносабатларини янги бо-сқичга кўтариш – буларнинг барчаси до-имо диққатимиз марказида бўлиши шарт.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда ҳам бўлган хорижий мамлакат-ларнинг элчилари ва халқаро ташкилот-ларнинг вакилларига, барча меҳмонлари-мизга бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётганла-ри учун сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билди-ришга рұхсат этгайсиз.

Бугунги шукуҳли дамларда бизнинг та-янчимиз ва суянчимиз, умидимиз бўлмиш ёшларимизга қарата айтмоқчиман:

Қадрли фарзандларим, ҳеч қачон унут-манг:

Сиз кимнинг, қандай улуғ зотларнинг ав-лодисиз!

Сиз қандай ноёб ва бетакрор мерос во-рисларисиз!

Ўз куч-ғайратингиз, билим ва қобилия-тингизга, буюк Ватанимиз қудратига суя-нинг, маррани баланд олинг, азиз болала-рим!

Сизнинг эришадиган ҳар бир ғалабан-гиз – юртимиз ғалабаси, Ўзбекистон ғала-басидир!

Азизларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, Мустақил-лик байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Бугун мана шундай ёруғ кунларга етказ-ган, эзгу ишларимизда Ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айта-миз.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ БОҒИДА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
21 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН БАЙРАМ
ТАНТАНАСИ БЎЛИБ ЎТДИ**



Халқимиз Ватанимиз давлат мустақиллигининг йиғирма бир йиллигини катта кўтаринчилик билан байрам қилмоқда. Бу буюк сана юртдошларимиз қалбига беимисл фахр-ифти-хор, сурур бағишлайди. Жорий йилда энг улуғ, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб «Тақдиримсан, бахтим-сан, эркин ва обод Ватан» деган эзгу ғоя асосида нишон-ланмоқда.

2012 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекис-тон Миллий боғи ҳар қачонгидан гўзал, шукуҳли, салобатли. Миллий боғ, унга туташ майдон ва хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамога либосда. Улар юртимиз мустақиллиги-нинг йиғирма бир йиллиги, эркин ва обод Ватанимизни шарафлайдиган ҳамда Мустаҳкам оила йилига бағишлан-ган бадий паннолар билан безатилган. Давлатимизнинг мағрур хилпирётган байроғи ранго-ранг чироқлар ёғдуси-га безанган ям-яшил арчалар, мажнунтоллар билан уйғун-лашиб атрофга ажиб тароват таратади, дилларга масрур-лик бахш этади. Кўчаларни тўлдирган одамлар оқими минг-лаб чироқлар нуридан шуъалаланаётган рамзий миноралар салобат тўкиб турган муаззам майдон томон ошиқади.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик па-латаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳра-монлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндала-ри, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, жамоат таш-килотлари вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ва-колатхоналари вакиллари ташриф буюрган.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг иллий гум-базларидан нур ёғилиб турган маҳобатли хайкали улкан мажмуага янада улуғворлик бағишлайди. Ҳақиқатан ҳам, ул буюк зотнинг муқаддас руҳи ва беназир шеърлати эзгу ва хайрли ишларимизда ҳамиша ҳамнафас ва мададкор бўлиб келмоқда.

Олам аҳли бирингизим, иш эмас дўшмингиз,

Ёр ўлинг бир-бирингизга ки, эрур ёрлиг иш.

Бобокалонимизнинг инсонга чексиз муҳаббат билан тўлиб-тошган бу каби фалсафий ўғитлари маънавий меросимиз-нинг бебаҳо хазинаси бўлиб, наинки халқимиз, балки ба-шарият учун ҳам буюк ҳикматдир. Зотан, улуғ мутафаккир бобомиз айтган «олам аҳли» деб муножаат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбе-кистон ўз мустақиллигини қўлга киритган 1991 йил Алишер Навоий йили, деб эълон қилинди, буюк бобомизнинг 550 йиллик таваллуди кенг нишонланди. Мустақиллигимиз эълон қилинганидан кейин санокли кунлардан сўнг, яъни, 1991 йил 28 сентябрь куни пойтахтимизда Алишер Навоийнинг улуғвор хайкали қад ростлади. Бу юртимизда амалга оши-рилаётган бекиёс янгилашлар ва бунёдкорлик ишлари-нинг дебочаси бўлди. Алишер Навоий йили, деб эълон қилин-ган 1991 йил юртимиз, халқимиз тарихида қўтлуг келди. Унутилмас сана бўлиб қолди. Шу боис Мустақиллик ва Наврўз байрамларининг асосий тантаналарини мазкур бо-да нишонлаш чуқур рамзий маънога эга. Халқимизнинг кат-та байрамлари шу ердан бошланиб, бутун мамлакатимиз бўйлаб ёйилади.

(Давоми 2-бетда)

Мустақиллик шарофати билан миллатимиз, халқимиз шаъни, қадр-қиммати, гурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Мустабид тузумнинг турли даврларида қатагон қилинган, қатл этилган юзлаб юртдошларимиз, Ватанимизнинг фидойи фарзандлари хотираси абадийлаштирилди, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бундай савобли ва хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Мустақиллик байрами олдидан бугунги саодатли кунларга етишимиз, Ватан озодлиги, юрт тараққиёти йўлида жонини фидо қилган аждодларимизни хотирлаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш эзгу амаллардандир. Президентимиз Исро Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йилдан буён 31 август Қатагон қурбонларини ёд этиш кунли сифатида мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Бундай муътабар масканларни зиёрат қилиш киши руҳини поклайди, эзгуликнинг абадий экани ҳақида мушоҳада қилишга ундайди. Айни чоғда шундай зиёратгоҳлар ва қадимжолар бугунги тинч ва хотиржам ҳаёт, тўқнлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машаққатлар эвазига эришганимизни ёш авлодга аниқлашди, уларнинг қалби ва онига миллий истиқлол гоёсини янада чуқурак сингдиришга хизмат қиладиган маънавият ва маърифат ўчоқларидир.

2012 йил 31 август тонги. Қатагон қурбонларини ёд этиш кунли муносабати билан пойтахтимиздаги «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни хотирлаш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди. Аънаанага кўра ош тортилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исро Каримов иштирок этди.

Ўтганлар хотираси муқаддас. Бугунги нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз ҳаётини ҳам аямаган қатагон қурбонларининг хотирасини ёд этар эканмиз эзгулик аталмиш қудратли кўнчинг абадийлигига, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз. Шахид кетган ватандошларимизни эслар эканмиз, улар орзу қилган, улар учун бир умрлик армон бўлиб қолган, бугунги авлодларга насиб этган эркин, обод ва фаровон ҳаётнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурак аниқлашди.

Тарихини билмаган, ўзлигини англамаган халқнинг келажаги йўқ. Шу боис мустақиллигимизни кўз қорачидай асраш, мустаҳкамлаш, Ватанга садоқат сингари муқаддас тушунчаларини ёшларимиз онгига чуқур сингдириш даркор. Улар оқни қорадан, ҳақиқноҳадан ажратолсин. Зеро, ватанпарварлик гоёсини онгига чуқур муҳрланган, дунёқараш кенг, ҳар жиҳатдан билимли, зукко, ҳамisha оғох авлоднинг ҳеч ким енгилмайди. «Элим деб, юртим деб ёниб яшайтган»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2012 йил 31 август кунли Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Ялпи мажлисининг иккинчи кунлида сенаторлар Конституция нормаларига мувофиқ ва Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан белгилаб берилган қоидаларни рўйбга чиқариш доирасида мамлакат минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан олиб борилаётган ишларни тўғрисидаги парламент эшитувини ўтказилди.

Мажлисида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан мамлакат минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити тўғрисидаги ахборотни кенг ёйиш мақсадида мунтазам равишда халқаро кўргазмалар, ярмаркалар, анжуманлар ва конференциялар ўтказилмоқда. 2011 йилда 50 дан ортиқ, 2012 йилнинг биринчи ярмида эса 32 та чет эл делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ташкил этилиб, бизнес-анжуманлар ўтказилди. Иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйиш мақсадида 2011 йилда Япония, Бирлашган Араб Амирликлари, Бельгия Қиролиги, АҚШ, Польшада, шунингдек, Испаниянинг Мадрид ва Барселона шаҳарларида 7 та бизнес-анжуман ва давра суҳбат ўтказилди. Ўтказилган тадбирлар яқунлари бўйича ҳамкорлик ҳамда хорижий инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш тўғрисида 52 та ҳужжат имзоланди.

Мамлакатимиз минтақаларининг истиқболли тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажминини кўпайтириш, шунингдек, инвестициявий лойиҳалар рўйбга чиқарилиши устидан тизимли мониторингнинг амалга ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда

бундай навқирон авлодга четдан ҳеч ким ўз таъсирини ўтказолмайди.

Шу маънода «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида бунёд этилган «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи юртдошларимизни, айниқса, навқирон авлоднинг тарихимизни яхши ўрганиш ва ундан сабоқ чиқариб, мана шундай дорилмон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга ундовчи масканлардан биридир. Музейдаги экспонатлар мунтазам равишда аниқланиб, унинг хазинаси ўша давр руҳини акс эттирадиган буюм, жиҳоз ва маълумотлар билан бойитиб боришмоқда. Бу ерда мустабид тузумнинг шохиди бўлган кекса авлод вакиллари билан учрашувлар, тарих, маънавият дарсларини ўтказиш яхши аънаанага айланган.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда тарихий хотира, мамлакатимиз

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТ

да мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, эл-юртимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришлар, жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида суҳбатлашди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида, хусусан, араб мамлакатларида содир бўлаётган ноҳуш воқеалар ҳар қандай соғлом фикрли инсонларни чуқур ташвишга солади, деди давлатимиз раҳбари. Турли можаролар, ўзаро қарама-қаршиликлар, қон тўкилишлар жаҳоннинг қайси мамлакатига рўй бермасин, бундан кўнглимиз гаш тортади.

Дилни хира қиладиган бундай воқеалар биздан ўзқанда, деб унга лоқайд қараш хомхалликдир. Нега деганда, бундай бало бир мамлакат ёки минтақа доирасида чегараланиб қолмайди, вақтида бартараф этилмаса, тобора кучайиб, бошқа мамлакат ва минтақаларга ҳам ёйилиши мумкин. Шунинг учун дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан ҳамisha оғох бўлиш, она Ватанимиздаги тинч, оқсоқил ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, шу фаровон, осуда ҳаётни янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир инсон ўз хиссасини қўймоғи, эл-юрт тақдири, келажаги учун дахлдорлик туйғусини дилига жо қилмоғи даркор.

Бу хусусда гапирар экан, Президентимиз қўшни Афғонистондаги мураккаб вазиятга яна бир бор эътиборни қаратди. Ўзбекистон бу давлатда ўттиз йилдан ортиқ вақтдан буён давом этаётган можаролар тезроқ

барҳам топиб, мамлакат тикланиш ва тараққиёт йўлига тушиб олишини истади. Зеро, халқимизда «қўшнинг тинч – сен тинч» деган мақол бор. Умуман, ҳамisha эзгу ва хайрли ниятлар билан яшайдиган халқимизнинг орзуси, мақсади битта – жаҳондаги барча мамлакатларда, элларда тинчлик ва барқарорлик ҳужм сурсин, одамлар бахтли ва фаровон ҳаёт кечирсин.

Улуғ неъмат – мамлакатимиздаги тинчлик ва оқсоқилликдан хотиржамликка берилиш, оғохлик ва сезгирликни йўқотишга мутлақо ҳаққимиз йўқ, деди Исро Каримов. Тинчлик ва оқсоқилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш фақат муайян соҳалар ҳодимларининг вазифаси, деганлар қаттиқ аниқлашди. Бу йўлда барчамиз, бутун халқимиз янада жипс бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз керак. Ўз уйингни ўзинг асра, деган гапда ҳикмат кўп, унинг маъноси кенг. Зеро, тинчлик учун курашиш керак, уни ҳеч ким яратиб бермайди.

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, дунёнинг турли мамлакатларида кечаётган ўзгариш ва воқеалар хусусида, уларнинг асл сабабларини тушунириш ишларини олиб боришда имом-хатибларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти катта бўлмоғи зарур. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги имом-хатиблар бундан 15-20 йил олдингиларидан жиҳдий фарқ қилади. Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуида сиёсий қиёфада ташкил этилган ўқув маркази бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун дин вакиллари ҳам юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ён-атрофда содир бўлаётган воқеалардан доим хабардор, оғох бўлиб бормоқда.

Шу азият Ватанимизни қўз қорачиғидек асраш, унинг тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилиш, салоҳиятини янада юксалтириш барчамизнинг, мамлакатимизда яшашётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Мустақиллик йилларида халқимиз эришган улкан марралар, эл-юртимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги тўғрисида айнан мана шу ерда, Ватанимиз озодлиги, халқимиз эркинлигини орзу қилган ва шу йўлда ўз ҳаётини қурбон қилган улуғ аждодларимизнинг хотираси шарафига барпо этилган ушбу мажмуида юксак гурур ва ифтихор билан гапирётганимиз чуқур рамзий маънога эга, деди пировардида Исро Каримов. Бу билан буюк аждодларимизга миннатдор авлодлар сифатида, сизларнинг энг олий, энг эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошди, мустақил Ватанимиз тобора юксалиб, ривожланиб бормоқда, авлодларингиз ўз юртининг ҳақиқий эгаси бўлиб, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирмоқда, деймиз.

Шу кунли Президентимиз Исро Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва академик доиралари вакиллари юртимизнинг истиқлол йиллари давомида эришган муваффақиятлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

М. ПАПАСАВАС: «ЎЗБЕКИСТОН — ЖОЗИБАДОР ЎЛКА»

Жумладан, грециялик таниқли журналист ва сиёсий шарҳловчи К. Царухас пировард мақсад — халқ фаровонлиги таъминланиши йўлида мамлакатимизда амал қилинаётган таъминотлар — ислохотларнинг тадрижийлиги, прагматизм, қонун устуворлиги, жамиятнинг демократлаштириш Ўзбекистон муваффақиятларининг ўзига хос жиҳати эканлигини қайд этди.

— Ўз тараққиёт стратегиясининг пухталиги боис мамлакатингиз барча иқтисодий кўрсаткичлар бўйича барқарор ўсиш суръатларини намойён этмоқда, — деди у. — Мамлакат раҳбарияти томонидан кучли ижтимоий сиёсат олиб борилиши ҳолда, ақлан ва жисмонан етук, соғлом авлоднинг тарбиялашга улкан эътибор қаратилаётгани биринчи галда, давлатнинг келажақ ҳақида ғамхўрлик қилаётганидан далолатдир.

Грецияда чоп этиладиган «Бестенд Паблишинг» нашрининг ижодий ходими Х. Дигридакис Ўзбекистон хорижий элларда, турли соҳа вакилларида катта қизиқиш уйғотаётганини айтди.

— Мамлакатингиз жозибадорлиги юрда тинчлик ва барқарорлигининг таъминланиши, амалга оширилаётган ҳар томонлама мақбул сармоявий сиёсат, чет эллик тадбиркорлар учун яратилаётган имтиёз ва қулайликлар сингари кўплаб омиллар билан изоҳланади, — деди грециялик журналист. — Давлатингизнинг келажақ томон, ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидаёқ белгиланган марралар сари шитоб билан интилаётгани ҳам эътиборга сазовордир.

Ўзбекистонда инсон маффақатлари ҳамма нарсадан устун бўлиб, аҳоли, оила, ёшлар ва оналиқни қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жорий йилнинг «Мус-

таҳкам оила йили», деб эълон қилиниши жамиятдаги асосий инсоний қадриятларни мустаҳкамлайди, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар эса маънавий ва ақлий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом авлоднинг тарбиялашга имконият яратди.

Таниқли ишбилармон, «Папасавас Групп» компанияси президенти М. Папасавас эътироф этганидек, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳани либераллаштиришга қаратилган тизимли ислохотларни муваффақиятли тарзда амалга оширмоқда.

— Дунёнинг кўплаб давлатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асoratлари кузатилаётган ва воқеалар ривожини олдиндан айтиш қийин бўлган бир даврда мамлакатингиз ўз олдида қўйган мақсадлари томон жадаллик билан ҳаракатланмоқда, — деди у. — Ўзбекистон аҳолиси қабул қилинган тараққиёт йўналишини тўла қўллаб-қувватлайди, зеро у ижтимоий йўналтирилгани билан ҳаммага аниқ-равшан, тушунарли ва яқиндир.

Дунёдаги ҳеч бир давлат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка етарли эътибор бермасдан салмоқли муваффақиятларга эриша олмаган. Бугун Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик учун ҳам, сармоявий фаолият учун ҳам энг қулай шарт-шароитлар яратилгандир. Ишбилармон сифатида мен бу ҳолатни республиканинг бозорига эътибор қаратиш учун жиҳдий омиллар, деб биламан. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон жозибадор ўлкадир, шу боис кўплаб хорижий компаниялар ва ишбилармонлар мамлакатингиз билан яқин ҳамкорлик қилмоқда.

«Жаҳон» АА
Афина



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи соғломлаштириш марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Келажақ овози» ахборот хоналари вакиллари малакасини оширишга бағишланган ўқув машғулотлари ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятдан «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари ва иқтидорли ёшлар иштирок этди.

● Мустақиллик байрами арафасида Бухоро вилоятининг Вобекан тумани марказида пиллани қайта ишлайдиган «Кумушкент ипаги» корхонаси фаолият бошлади. Натижада эллик нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланди. Реконструкция қилинган мазкур янги корхона цехлари «Қишлоққурилишбанк»нинг вилоят филиалидан олинган 350 миллион сўмлик кредит эвазига замонавий дастгоҳ ва технологик ускуналар билан жиҳозланди. Йилига 200 тоннадан зиёд пиллани қайта ишлаш қувватига эга корхонада ҳам ашё захирасини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эрта баҳорда туман пиллачилари билан шартномалар тузилгани корхонанинг барқарор фаолият юритишини таъминламоқда. «Кумушкент ипаги» корхонаси маҳсулотларининг асосий қисми экспорт қилиниши режалаштирилган.

● Андижонда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ҳодимларининг аънаъавий август кенгаши бўлиб ўтди. У «Таълим жараёнига педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш ва таълим сифатини оширишдаги муаммо ва ечимлар» мавзусига бағишланди. Тажрибали ўқитувчи ва мураббийлар, ёш педагоглар, касб таълими усталари иштирок этган мазкур анжуманда тизимда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, «Устоз-шогирд» мактаби фаолиятини янада такомиллаштириш, илгор педагоглар тажрибасини оммалаштириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

ЖАҲОНДА

● Хитойлик олимлар янги узилган мевани бир неча ҳафта давомида сифатли сақлайдиган махсус суюқлик яратдилар. Маълумотларга қараганда, Тяньжин университети ҳодимлари томонидан кашф этилган ушбу суюқлик таркибидаги моддалар мева пўстлогини сўйишдан ҳимоя қилиш хусусиятига эга. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, тажриба амалиёти энг тез эскирадиган мева – бананда ўтказилган. Банан пўстлогига сепилган янги суюқлик икки ҳафта давомида уни қорайиб қолишдан сақлаган. Тез эскиришдан ҳатто музлаткич ҳам ҳимоя қилмайдиган банан энди анча вақтгача истеъмолга яроқли ҳолда сақланади.

● АҚШнинг «Stacks Bowlers Galleries» савдо уйида ўтказилган кимошди савдосида 10 центлик танга 1,6 миллион АҚШ долларига сотилди. «Associated Press» ахборот агентлигининг хабарларига қараганда, 1873 йилда ишлаб чиқарилган ушбу ноёб танга жуда яхши ҳолатда сақланган.

● Буюк Британияда ялпи ички маҳсулот ўсиши жорий йилнинг иккинчи чорағида биринчи чоракка нисбатан 0,5 фоиз қисқарди. Бу ҳақда Бирлашган Қироликнинг миллий статистика бюроси маълум қилди. Мутахасссларнинг таъкидлашича, тобора чуқурлашаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз мамлакатда иш ўринларининг қисқаришига, кўплаб ишлаб чиқариш муассасаларининг зарар кўришига сабаб бўлмоқда.

● Шотландиянинг Глазго шаҳридаги Стратклайд университети олимлари кўк чой экстракти саратон ўсимтасини бутунлай йўқ қилиш ёки кичрайтириш хусусиятига эга, деб таъкидламоқда. Экспертларнинг сўзларига кўра, ушбу каффиёт хавфли хасталик билан курашиш учун янги препарат яратиш имконини беради. Маълумотларга қараганда, кўк чой экстракти билан ўтказилган тадқиқотлар натижасида муолажадан сўнг бир ой ўтиб, тери саратони билан оғирган 40 фоиз бемордаги ўсимта йўқолган, қисқарган ёки ўсишдан тўхтаган. Шу боис шифокорлар мунтазам кўк чой ичиб туриш фойдадан холи эмаслигини айтмоқда.



Истиқлол мушоираси

Икбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН

Шукронаким, юз йиллик занжирни узди ўғлинг,
Зулм истеҳкомини парчалаб бузди ўғлинг.
Темурбекнинг юртида саатанат тузди ўғлинг,
Бобомерос шаҳдамсан, гуруримсан, аҳдимсан,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Ватанида беватан юрган инсонлар қанча,
Толенига жасорат соҳибини йўллади,
Ютилган қонлар қанча, афсус, армонлар қанча,
Бобомерос шаҳдамсан, гуруримсан, аҳдимсан,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Худо деган элмни парвардигор қўлади,
Толенига жасорат соҳибини йўллади,
Матонатдан яшнаб юрт, заковатдан гулади,
Бобомерос шаҳдамсан, гуруримсан, аҳдимсан,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Шикаста кўнгилларга қанот берди Истиқлол,
Алпомишни уйғотиб, Ғирот берди Истиқлол,
Мамлакатга янги жон — ҳаёт берди Истиқлол,
Бобомерос шаҳдамсан, гуруримсан, аҳдимсан,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Осмонларим мусаффо, ҳаволар қандай ширин!
Ўз овозинг, ўз сўзинг, ўз йўлинг бор дунёда,
Неъмат борми беминнат бугдоян нондай ширин!
Бобомерос шаҳдамсан, гуруримсан, аҳдимсан,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Ўзбекистон, кўзлаган манзилнинг бор дунёда,
Ўз овозинг, ўз сўзинг, ўз йўлинг бор дунёда,
Ҳеч кимдан кам бўлмайсан, мард ўғлинг бор дунёда,
Бобомерос шаҳдамсан, гуруримсан, аҳдимсан,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

ДИЁРИМ

Диёрим, дунёнинг харитасида
Тулпордек ўйноқлаб турган диёрим.
Самонинг милтироқ даричасида
Саодат шўласин кўрган диёрим,
Ўшал юлдузингдан адаштирмасин,
Ўзбегим, ўзингдан адаштирмасин!

Нима кўп, оламда фитна-найранг кўп,
Бировнинг дардидан қувонч, байрам кўп.
Кўрган кўнларингни майсалар айтсин,
Кўз ёшинг кўлмиди ёки шабнам кўп.
Шул дала-тузингдан адаштирмасин,
Ўзбегим, ўзингдан адаштирмасин!

Дунё деганлари ғавғоли дунё,
Адоқчи ва ғирром савдоли дунё.
Муҳтожга беролмас, борни кўролмас,
Навоий айтгандек, "яғмоли дунё".
Теран илдизингдан адаштирмасин,
Ўзбегим, ўзингдан адаштирмасин!

Минг шукр, юраги офтобларинг бор,
Оламни қаратган хитобларинг бор.
Баҳо берган Худо даҳо ҳам берган,
Улуғ зот силаган китобларинг бор.
Табаррук изингдан адаштирмасин,
Ўзбегим, ўзингдан адаштирмасин!

ВАТАН

Сени десам юрагимда
очилар гуллар,
Ёмғир бўлиб
самолардан
сочилар гуллар,
Саҳролардан,
дарёлардан
сочилар гуллар,
Юрагимнинг гулисан
сен,
гуллаган Ватан!

Исминг айтиб
уйғонади
чучук жилғалар,
Сунбулалар
тонглариингдан
тақар сирғалар,
Кипригимда
ёғдуларинг
солар жилвалар,
Тилагимнинг гулисан
сен,
гуллаган Ватан!

Хушбўй-хушбўй
олмаларда

жаннат ҳавоси,
Тоғларингнинг бағрида
минг
дарднинг давоси,
Шудир, ахир, бир
инсоннинг
умр сафоси,
Юрагимнинг гулисан
сен,
гуллаган Ватан!

Ховуч-ховуч, зилол-
зилол
сувиндан ичдим,
Меҳринг қанот бўлди,
мовий
кўкларда учдим,
Яна қайтиб сенга
келдим,
тупроғинг қучдим,
Тилагимнинг гулисан
сен,
гуллаган Ватан!

... Юрагимнинг
гулисан сен,
гуллаган Ватан!

ТОШКЕНТИМ

Тошкент, деса қувонч тўлар юракка,
Тошкент, деса ишонч тўлар тилакка.
Осмонда офтоб кулиб яйрайди,
Тошкент, деса куч тўлади биллакка.

Онажоним, меҳрибоним — Тошкентим,
Сават тўла ширмой ноним — Тошкентим.

Кеча-кундуз кўчалари чароғон,
Маҳалла-ю даҳалари фаровон.
Наҳорларда ош тортади удум деб —
Олма, узум, анор тўла дастурхон.

Боғу бўстон, бугдой доним — Тошкентим,
Меҳмоннавоз, қадрдоним — Тошкентим.

Олам кемтик, Тошкент балқиб турмаса,
Зухро каби кўкда қалқиб турмаса.
Юлдузлар ҳам хира хандон самода —
Тошкент агар нур таратиб турмаса.

Қароғимда чақноқ нурум — Тошкентим,
Олам узра маржон, дурум — Тошкентим.

Неча аср, неча довол ошган кент,
Кутайба-ю Чингизлардан шошган кент.
Синовлари бардошидан тошган кент.
Бари ўтди, қолди абад Тошканд — кент.

Ризқу рўзи улуг, боқий Бош — кентим,
Абадиёт сари олға, Тош — кентим.

ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

Ялпизларга боққин, ариқ лабида —
Сувнинг йўлларига термилар ташна.
Бир бора қирларга нигоҳинг ташла —
Доласин бағридан кўйвормас, ошина!

Дарахтларга боққин, теракларга боқ,
Бормикан тутлари бўлмаган дала?
Уларнинг остида бир жўра бола —
Дарди йўқ онларга бўлган мубтало.

Сен бир зум термулгин, руҳингни чоғла,
Кулоқ тут қушларнинг шўх чуғурига.
Урик соясида, от эгарида
Иргилиб турган ким? Боқ гурурига.

У ўзбек! Чавандоз боболаридек,
Эгарнинг қошидан тутмишидир дадил.
У бир кун бўлади чапдаст ва ёвқур,
Ватанин севгучи мард ва соддадил.

Ўктам МИРЗАЁРОВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Баракага эришишнинг сири —
меҳнатни севишдир.

Хурмат — меҳнатга эргашиб
юради.

Кўлнинг қадоғи — фахр!

Меҳнатсиз буюклик йўқ.

Хунарга эга бўлиш — конга эга
бўлишдир.

Ҳар хунарнинг ўз чамани бор.

Хунардан — унар.

Касбни тўғри танлаш — бахтдир.

Хунар — тошдан гул ундира
олади.

Хунар ва билим — мулкдир.

Хунароманд — ўз касби билан
тақдир яратади.

Билим ва хунар — инсоннинг
доимий ҳамроҳидир.

Ёшлиқдан ўргансанг хунар, ҳаёт
айтганингга кўнар.

Миришкорнинг кўли ўз-ўзидан
ишлайди.

Касблар бир-бирлари учун
хизмат қиладилар.

Ўз касбини севган киши — осон-
ликча чарчамайди.

Мутахассис — ўз касбининг
шифокори.

Касбни нафс эмас, қалб танла-
ши керак.

Хунар темирни ҳам тирилтира
олади.

Хунароманднинг нони бутун.

Яхши пазанда — табибдир.

Дехқоннинг нони далада.

Богбон — ўз боғини аввало
юрагида кўкартиради.

Чорвадорнинг бугунги бири —
эртанинг иккисидир.

Ишчи — ўзи ишлатадиган
металлар каби тобланган.

Дехқон — ризқ сардори.

Дехқон — замин заргари.

(Давоми бор)

ОНА ДИЁР ОҲАНГЛАРИ

Пойтахтдаги Тасвирий санъат
галереясида «Она юртим
оҳанглари» кўргазмаси очилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги бай-
рамига бағишланган тадбирда профессор-ўқитув-
чилар, рассомлар, ҳайкалтарошлар ва кенг жа-
моатчилик вакиллари иштирок этди.

Она юртим оҳанглари кўргазмасида ўлкамиз-
нинг бор гўзаллигини намоён этувчи портрет ва
натюрморт жанридаги асарлар намоёиш этил-
моқда. Юртимизнинг бетакрор табиати, адир ва
тоғ манзаралари, замонавий турар жойлар мо-
ҳирона тасвирланган асарлар тадбир иштирок-
чиларига олам-олам завқ бағишлади. Уларни то-
моша қилган киши ўзини бевосита сўлим табиат
кўйида, баланд ва маҳобатли тоғлар бағрида
ҳис қилади. Кўргазмадаги натюрморт жанрида
яратилган асарлар ҳам кишига ўзгача руҳ бахш
этади.

Бири биридан бетакрор асарлар гарчанд тур-
ли муаллифлик усулларида яратилган бўлса-
да, уларда жонажон Ўзбекистонимизнинг та-
биати, Она заминга бўлган муҳаббат тараннум
этилади

Фармонбек МАТНАЗАРОВ,
«Туркистон-пресс»

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Юртимизга файз-барака билан кириб келган
Мустақиллик байрами барчангизга муборак бўлсин.
Оилавий бахт-саодат, сихат-саломатлик
сизларни асло тарк этмасин.
Мустақил Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги
эзгу ишларингиз ҳамиша бароридан келсин!

“ALKIM TEKSTIL” ХОРЕЖИЙ КОРПОРАЦИИ
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ



Тошкент ОҚШОМИ

Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтачига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят қўмпютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Бу юртма Г- 941

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4919 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 03.30